Ушбу сонда:
2 ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК АСОСИДА
3 СИҲАТГОҲЛАР ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС БЎЛАДИ
4 Иқтидорлилар—юрт фахри ОЛАМНИ ГЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 10 ноябр, чоршанба № 159 (806)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

### «ЎзДЭУавто» автомобиллари учун

*Хонободдаги «Андижонкабель» акциядорлик жамияти негизида Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонаси автомобиллари учун электр симлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «ЎзКоджи» қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу ишда андижонликларнинг ҳамкори - Жанубий Кореянинг «Коджи Индастри Ко ЛТД» компаниясидир.*

*«ЎзКоджи» келгуси йилда «Нексия», «Тико» ва «Дамас»лар учун 80 минг тўплам электр симлари етказиб беришни мўлжалламоқда. Таъкидлаш жоизки, кореялик ҳамкорлар келажакда корхонанинг қувватини икки баробар ошириш ниятида.*

## ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***9 ноябр. Пекин. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Эрталаб Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги пойига гул қўйди.***

Давлатимиз раҳбари «Гугун» император саройини ҳам зиёрат қилди. Бу мажмуа Пекиндаги ва умуман Хитойдаги энг диққаттортар маконлардан саналади. Ўз даврида у ерда йигирмадан ортиқ император яшаган. Қўрғон шаклидаги бу шаҳарчада юзлаб бинолар бор. Президент Ислом Каримов императорлар ҳаёти, фаолияти, турмуш тарзи, сарой анъаналари билан танишди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентимиз «Дяоюйтай» қароргоҳида ХХР ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазири Ши Гуаншен ҳамда Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқалар икки давлатнинг имконият, салоҳият ва истагига уйғун эмаслиги қайд этилди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотиқ ҳажмини ошириш масалаларини муҳокама қилди. Хитойлик ишбилармонлар Ўзбекистон билан алоқаларини кенгайтиришга тайёрлигини билдирди. Мулоқот чоғида амалдаги лойиҳалар ижроси кўриб чиқилди, янгиларини тузиш бўйича фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Хитойдаги йирик ахборот агентлиги - «Синхуа» мухбирларига интервью берди. У саволларга жавоб қайтарар экан, мазкур ташриф, Хитой-Ўзбекистон алоқалари, Буюк Ипак йўлини тиклаш, халқаро терроризмга қарши кураш, минтақавий хавфсизлик каби қатор мавзуларга тўхталди.

Шундан сўнг, давлатимиз раҳбари Халқ йиғини уйига борди. У ерда Ислом Каримовнинг Бутунхитой халқ вакиллари йиғини доимий қўмитаси раиси Ли Пэн билан учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида икки давлат парламентлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Хитой парламенти раиси Ли Пэн номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди.

Эртага Президент Ислом Каримовнинг ХХР Бош вазири Чжу Жунцзи билан учрашуви режалаштирилган.

**(ЎзА)**

## Марказий сайлов комиссияси мажлиси

***Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда комиссия аъзолари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди. Мажлисни мазкур комиссия раиси Н.Комилов бошқарди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини юритишларида шароит яратиб бериш ҳамда Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари фаолияти билан боғлиқ айрим масалалар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг Йўриқномалари тасдиқланди.

Мажлисда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилаётган сайловлар жараёни муҳим босқичга кирганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу босқич, айниқса, сайловолди ташвиқотларини Қонун асосида, адолатли тарзда ташкил қилиш ҳамда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш билан характерлидир. Депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини юритишда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига қатъий риоя этишлари шарт. Амалдаги Қонунга мувофиқ сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, шунингдек ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклдаги учрашувларни ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади. Бундай йиғилиш ва учрашувлар сони чекланмаган ва улар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилиниши керак.

Йиғилишда Олий Мажлис депутатлигига номзодларга ишончли вакилларни танлаш, улар фаолиятини тўғри ташкил этиш борасида Қонунда кўрсатилган барча талабларга оғишмай амал қилиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Шу билан бир қаторда, ҳозирги қизғин сайлов кампанияси жараёнида айрим депутатликка номзодлар фаолиятида учраётган баъзи камчиликлар, булар эса мамлакатимизда сайловнинг эркин ва демократик ҳамда тенг ҳуқуқлилик асосида ўтказилишига тўсқинлик қилиши мумкинлигига эътибор қаратилди. Сайлов билан боғлиқ жамики ишлар фақат Қонун йўли билан амалга оширилиши керак, деб таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш юзасидан Жиззах ва Сирдарё вилоят ҳокимликларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

**(ЎзА)**

## ЯНГИ ШИФОХОНАЛАР

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига асосан Бўстон шаҳрида хўжалик ҳисобидаги янги поликлиника иш бошлади. Малакали ходимлар ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган масканда касалларни пуллик тиббий профилактик кўрикдан ўтказиш буюртма берилган заҳотиёқ амалга оширилмоқда. Шу боис ўнлаб жамоалар поликлиника билан шартнома тузиб, унинг хизматидан фойдаланишни афзал кўрмоқда.

* * *

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги «Дўстлик» хўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Олти минг аҳолига хизмат кўрсатадиган бу шифо маскани «1-Деҳқонқурилиш» тресги қурувчилари томонидан бунёд этилиб, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Эндиликда қишлоқ аҳолиси терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, тиш доктори ва бошқа шифокорлар хизматидан фойдаланиш учун шаҳар ёки туман марказига қатнаш ташвишидан қутилди.

## «ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЮҚОРИ МАВҚЕГА ЭГА»

**9 ноябр. Пекин. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).** ХХР раиси Цзян Цзэминь мамлакатимиз ҳақида сўзлар экан, шу гапни алоҳида таъкидлади. «Яқин дўстлик ва қўшничилик алоқаларини ривожлантириш минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда дунё миқёсида ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлади», деди Хитой раҳбари Ўзбекистон сиёсатига баҳо берар экан.

Пекинда Президент Ислом Каримов билан учрашганидан кейин, ХХР раиси Ўзбекистон раҳбарининг икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юқори эканини таъкидлади ва бу борадаги хизматларига юқори баҳо берди.

Бугун Хитой матбуотининг асосий диққат-эътибори Президент Каримовнинг ташрифига қаратилган. «Чайна дейли» газетаси, масалан, «Хитой билан Ўзбекистон имкониятларни бирлаштиряпти» сарлавҳаси остида Президентимизнинг ташрифига оид батафсил мақола чоп этган. Унда дастлабки музокаралар, улар натижасида эришилган келишувлар ҳақида ҳам сўз боради.

**(ЎзА)**

### Қонун — барча учун баробар

***Маълумки, ҳар бир киши биринчи навбатда шахсий манфаати йўлида, оиласи эҳтиёжларини қондириш, тирикчилигини яхшилашни кўзлаб меҳнат қилади. Иккинчидан, бундай меҳнатдан давлат ва жамият ҳам наф кўради. Ўз меҳнатидан манфаат топмаган, оиласининг ҳаётий эҳтиёжини қондиролмаган ходим эса ишни қўл учида бажариши табиий. Бундан давлатга ҳам фойда йўқ. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 154- ва 161-моддаларида иш ҳақини тўлаш шартлиги ва муддатлари белгилаб қўйилган. Афсуски, Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишларда бир қанча корхоналарда меҳнат қонунчилигининг юқорида айтилган талаблари бажарилмаётганлиги маълум бўлди.***

## МАОШ КЕЧИКАЯПТИ. САБАБ?

### ёки айрим раҳбарлар иш ҳақи жамғармаси маблағларидан ўзга мақсадларда фойдаланиб кимга жабр қилишяпти?

Йилнинг ўтган даврида вилоятда иш ҳақи бўйича қарзларни камайтириш борасида амалий ишлар қилинди. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, йил бошида вилоят бўйича иш ҳақидан қарзлар 1 млрд. 740 млн. сўмни ташкил этарди. Сентябр ойига келиб иш ҳақи бўйича қарзлар 592 млн. сўмга тушди. Бу кўрсаткич ой сайин камайтириб борилмоқда.

Афсуски, шунга қарамасдан айрим туман, корхоналар раҳбарлари мазкур масалага панжа орасидан қарашмоқда. Хусусан, Нарпай туманидаги 31 та хўжалик субъектларида текшириш ўтказилганда, иш ҳақидан 66 млн. 572 минг сўм қарз мавжудлиги аён бўлди. Айниқса, «Оқтош» қурилиш корхонасида, Ибн Сино номли, Ҳамза номли, «Ҳақиқат» жамоа хўжаликларида, «Муҳаммад бобо» фирмасида иш ҳақидан катта қарзлар мавжуд. Ушбу тумандаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги раҳбарлари 82 минг сўмлик, М.Улуғбек номли хўжалик раҳбарлари 49 минг сўмлик йиллик футбол чипталари учун маблағни ходимларнинг иш ҳақи ҳисобидан ўтказиб юборишган. Ҳолбуки, иш ҳақи жамғармаси маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш қонун томонидан тақиқланади.

Текширувлар жараёнида Каттақўрғон шаҳридаги қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш корхонаси, автосарой, пахта тозалаш заводи, шахта қурилиш корхоналарида ҳам худди шундай ҳолга дуч келинди.

Вилоятдаги бир қатор йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт корхоналарида иш ҳақи тўлаш аҳволи ўрганилганда янада нохуш манзара намоён бўлди. Масалан, Самарқанд шаҳридаги 146-автожамланмада (директори О.Матёқубов) иш ҳақидан қарзлар 2 млн. сўм, 128-автокорхонада (директори Г.Юсупов) 3 млн, «Баҳодир-Самарқанд» автожамиятида (директори И.Шерқулов) 1,5 млн, 9- автокорхонада (директори О.Алмазов) 4 млн. сўмдан ошиб кетган. Ушбу муаммони ҳал этиш юзасидан «Самарқандйўловчиташиш» бирлашмаси раҳбарлари ўз вақтида тегишли чоралар кўришмаган. Масъулиятсизликка йўл қўйган бирлашма бошлиғининг иқтисод ишлари бўйича ўринбосари Ҳ.Баҳриддинов ва бир қатор автожамланмаларнинг раҳбар ходимларига нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, ижроси таъминланди.

Ишчи-хизматчиларга иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш ва бу маблағлардан мақсадли фойдаланиш ишлари Қўшработ туманида айниқса аянчли аҳволда. Жумладан, тумандаги маориф ходимларининг бир ойлик иш ҳақлари бўлган маблағларни нақд ҳолда тўламасдан, савдо корхоналарига ўтказиб, маҳсулот берилишига йўл қўйгани учун Қўшработ туман ҳокимининг ўринбосари А.Холбоев ва бошқа мутасаддиларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Шунингдек, текширишларда тумандаги «Зармитан» дала қидирув экспедициясида иш ҳақи жамғармаси маблағларидан нотўғри фойдаланганлик оқибатида иш ҳақи бўйича қарзлар 9 млн. сўмдан ошиб кетган. Ушбу ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Иш ҳақидан мақсадли фойдаланиш ҳоллари юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра вилоят прокуратураси томонидан айбдор шахсларга нисбатан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Ҳозир вилоятдаги кўпчилик корхоналарда иқтисодий-молиявий ўнгланиш анча қийин кечмоқда. Шунинг учун иш ҳақини тўлашда қонун талаби тўлиқ бажарилмаётган ҳоллар мавжуд. Тижорат ва давлат банклари иш ҳақидан қарзларни узиш учун амалий ёрдам кўрсатаётган бир вақтда, банклар томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар жойлардаги ташкилот раҳбарлари томонидан имкон даражасида мақсадли фойдаланилмаяпти. Баъзи раҳбарларнинг ўз бурчларини бажармаётганлиги сабабли дебитор қарзларни ундириш чоралари кўрилмаган. Бунинг устига иш ҳақи жамғармаси маблағлари бошқа мақсадларга сарф қилинишига йўл қўйиляпти. Ҳолбуки, ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя иш ҳақини ўз вақтида тўлашдан ҳам иборатдир.

**Е.ТУРДИЕВ,**
**Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, адлия маслаҳатчиси.**

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

### 1999 йил -- Аёллар йили





## САОДАТ СОҲИБАЛАРИ

**Иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, Ватан бойлигига бойлик қўшишда ҳаётимиз гуллари бўлмиш хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор. Ушбу суратларда ўз бахтини меҳнатдан топган Қашқадарёдаги Жейнов пахта тозалаш заводи лаборанти Шаҳзода Алихонова ва Навоий шаҳридаги нон ишлаб чиқариш комбинати ишчилари Гулчеҳра Эшназарова ҳамда Орзигул Норқуловаларни кўриб турибсиз.**

**Ш.СУЛТОНОВ ва Ҳ.АВВАЛОВ олган суратлар.**

### Обуна-2000

## ЎЗ ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Таҳририятимизга кунда ўнлаб хатлар келади. Улар орасида у ёки бу масала юзасидан арзномалар ҳам учрайди. «Жуда кўп идора ва ташкилотларга мурожаат қилдим. Лекин ишим битмади. Ниҳоят сизларга хат йўллашга қарор қилдим. Охирги илинжим сизлардан, ёрдамларингизни аямайсизлар, деган умиддаман...»

Шундан кейин ҳам томошабин бўлиб турингчи! Қолаверса, гарчанд арзномаларнинг аксарияти бир ёки бир неча шахс томонидан йўллан-са-да, лекин унда ўртага ташланган муаммо ечимидан жуда кўпчилик манфаат кўради. Чунки бир мактуб туфайли маҳаллага сув келса, ундан юзлаб одам баҳраманд бўлади. Борди-ю, мутлақо шахсийдек туюлган масалага ойдинлик киритилса, билингки, худди шундай аҳволга тушган бошқа кишилар ҳам ўзига йўл-йўриқ олади. Демакки, агар таъбир жоиз бўлса, таҳририят томон узатилган битта қўл ўнлаб, юзлаб одамларнинг қўлига ҳам сув қўяди.

Бежизга матбуотни омма билан турли идора ва ташкилотлар ўртасида турган беминнат дастёр дейишмайди. «ISHONCH» ва «ISHONCH - Доверие» ана шундай холис хизмат учун доимо қўлини кўксига қўйиб турган газеталар сирасидан эканлигини эса, муҳтарам муштарийларимиз, ўз тажрибаларидан яхши билишади. Зотан, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бу нашр касаба уюшмалари - халқ манфаати ҳимоячиси бўлган энг оммавий жамоат ташкилотининг кўзгусидир.

Буни яхши тушунган кўплаб касаба уюшма қўмиталари енг шимариб ўз аъзоларининг маънавий-маърифий эҳтиёжини қондириш йўлида қизғин фаолият кўрсатаётганлари самараси ўлароқ «ISHONCH» ва «ISHONCH - Доверие» газеталарига обуна миқдори мунтазам ортиб бораётир. Айниқса, «Ўзбекқишлоқмаш», «Навоийцемент», «Ташгаз» тасарруфидаги корхона ва идораларда бу масалага жиддий эътибор қаратилаётганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардик.

Республикамизда чоп этилаётган барча нашрлар қатори «ISHONCH» ва «ISHONCH-Доверие» газеталарига 2000 йил учун обуна бошланганига ҳам роппа-роса қирқ беш кун бўлди. Ўйлаймизки, бу муддат жойларда фаолият кўрсатаётган касаба уюшмалари мутасаддилари муайян хулосалар чиқариб олишлари учун етиб ортади. Темирни қизиғида бос, дейди доно халқимиз.

Азиз муштарийлар!

Мазмун-моҳиятига кўра халқнинг юрагига қулоқ тутиб, сизнинг орзу-умидларингиз, хоҳиш-иродангизни ифода этишга ҳамиша тайёр турган ишончли ҳамроҳингизга камарбаста бўласиз, деган умиддамиз.

Ёдингизда тутинг: «ISHONCH» ва «ISHONCH - Доверие» - сизнинг газетангиз ва у ҳамиша ва ҳар вақт сизнинг манфаатингизни ҳимоя қилади.

**Нашр кўрсаткичимиз:**

**«ISHONCH» - якка тартибда - 133**
**ташкилотлар учун - 134**

**«ISHONCH - Доверие» - якка тартибда - 135**
**ташкилотлар учун -136**

## ЕР ОСТИ СИЛКИНИШИ

«Тошкент» сейсмостанциясининг хабар беришича, 8 ноябр кеч соат 21 дан 46 дақиқа ўтганда Республикамиз пойтахтида 12 баллик шкала бўйича 4-5 балли ер ости силкиниши қайд этилди. Зилзила маркази Тошкентдан беш юз километр жануби-шарқда, Тожикистон ва Афғонистон чегарасида жойлашган.

«Тошкент» сейсмостанцияси маълумотига кўра, зилзила кучи марказда - 7 балл, Самарқандда - 4-5 балл, Фарғонада - 4 балл, Андижон ва Наманганда - 3 балл бўлди.

Қурбонлар ва вайронагарчиликлар қайд этилмади.

**(ЎзА)**

*Таҳлил*

# СИҲАТГОҲЛАР ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС БЎЛАДИ



*Республика аҳолисига санаторий - курорт хизмати кўрсатиш йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Аммо замон ушбу хизмат кўрсатиш тури сифатини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, санаторий - курорт тизимини республикамиз ҳамда хориж давлатларида эришилган ютуқ ва тажрибага таянган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳатларга мос тарзда ташкил этишни талаб қилмоқда.*

Шу кунгача Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Курортлар бошқармаси тизимида 17 санаторий муассасалари ва «Сўқоқ» мавсумий дам олиш маскани фаолият кўрсатиб келаётганди.

25 августда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида 75 ўринли кўп тармоқли замонавий санаторий қурилиши тугалланиб, ишга туширилди.

Жаъми сиҳатгоҳларнинг лойиҳа бўйича даволаш имконияти 6285 ўрин эди. Даволанувчиларга замон талаби бўйича янада қулай шароитлар яратиш мақсадида 3-4 ўринли хоналар ўрнига 1 ва 2 ўриндан иборат, қулай шарт-шароитга эга бўлган ва яхши жиҳозланган, оилавий, «люкс» хоналар ташкил этилди. Натижада ўринлар сони 4941тани ташкил этиб, улардан 3724таси фойдаланишда ва 1217 ўринда эса реконструкция ва йиллик капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Сиҳатгоҳларнинг моддий техник базасининг бугунги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, сўнгги йилларда касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида жаҳон мезонларига жавоб берувчи даволаш - диагностик ва ётоқ биноларини, жамоатчилик марказлари - маданият уйларини, овқатлантириш биноларини капитал ва қайта таъмирлаш, уларни замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бошқармага қарашли сиҳатгоҳларда капитал қурилиш ва реконструкция мақсадларига жорий йилда 515.2 миллион сўм, таъмирлаш ишлари учун эса шу йилнинг биринчи ярмида 88.3 миллион сўм маблағ сарфланди. Жумладан, "Қашқадарё соҳили" сиҳатгоҳидаги маданият маркази ва ошхона комплекси қурилиши тугалланиб, ишга туширилди, физиотерапия бўлими биноси, мева-сабзавотлар сақлаш омбори қурилиши давом эттирилмоқда. Бухородаги «Ситораи Моҳи Хосса»сиҳатгоҳи «Б» блоки, капитал таъмирланишига 150 миллион сўм сарфланди. «Оқтош», «Турон» сиҳатгоҳларида замонавий оилавий коттежлар фойдаланишга топширилди.

Аёллар йили муносабати билан хотин-қизлар касалликларини даволаш ишларини яхшилаш мақсадида «8-март» сиҳатгоҳи худудида 150 ўринга мўлжалланган 5 қаватли ётоқ биносини қуриш ниҳоясига етмоқда. Қолган барча сиҳатгоҳларда режа бўйича ўз маблағлари ҳисобига таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Фаолият кўрсатиб турган 18 та сиҳатгоҳдан 14 таси кўп тармоқли, қолганлари эса маълум бир соҳага ихтисослаштирилган. Уларнинг 14 тасида бальнеологик даволаш минерал булоғи сувлари асосида олиб борилади. Булар ўзларидаги кимёвий хусусиятлари бўйича дунёга танилган Кавказ минтақаси ҳамда Россия, Украина ва бошқа бир қатор хорижий давлатлардаги минерал сувлардан қолишмайди.

Касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида аҳолининг талаб ва таклифларини эътиборга олган ҳолда маълум бир касалликларни даволаш мақсадида 1997-1998 йиллар давомида ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилди. - «Чимён», «Чинобод», «Турон», «Чортоқ» ва «Бўстон» даги гинекология, «Чимён», «Чинобод», «Турон», «Бўстон» ва «Ниҳол»даги андрология, «Чинобод» ва «Ниҳол»даги қандли диабет касалликларини даволаш, «Турон», «Чортоқ» санаторийларидаги юрак инфаркти касалликларини ўтказган беморларни даволовчи - реабилитация бўлимлари ва бошқалар шулар жумласидандир. «8-март» сиҳатгоҳида болалар гинекологик ва «Бўстон» санаторийсида орқа мия касалликлари реабилитация бўлимлари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Санаторий курортлар тизими етарли даражада малакали шифокор мутахассислар билан таъминланган. Шифокор ва ҳамшираларнинг касб маҳоратини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Масалан, жорий йилда 63 нафар шифокор Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва бошқа илмий муассасаларда ўқиб қайтдилар. Ҳамшира ва бошқа соҳа ходимларининг малакасини ошириш ўқув методик марказида олдиндан тузилган режа бўйича олиб борилади. Масалан, шу йилнинг 9 ойида 85 нафар киши ўз малакаларини оширдилар.

Шифокорлар ва ўрта тиббий ходимларнинг қарийб 80 фоизи олий, 1- ва 2-тоифадаги мутахассислардир.

Даволаш - ташхис жараёнини такомиллаштириш,- янгиларини қўллаш, жумладан ҳалқ табобати усуллари билан даволашни тадбиқ этиш чора - тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу мақсад йўлида керакли даволаш хоналари ташкил қилинмоқда. Охирги 2-3 йиллар давомида бир қанча сиҳатгоҳлар замонавий тиббиёт асбоб - анжомлари билан янгиланди ва тўлдирилди. Жумладан, «Чинобод», «Қашқадарё соҳили»да УЗИ «Алоқа - 500» аппарати, «Турон», «Чинобод», «Чортоқ», «Ботаника», «Қашақадарё соҳили» сиҳатгоҳларида компьютерли ЭКГ, «Турон» ва «Чинобод»да «Мустанг»да компьютер лазер аппарати, «Бўстон», «Чинобод», «Чимён» сиҳатгоҳларига 8 та сув билан уқалаб даволовчи «Жакузье» ванналари ўрнатилди. Бир қатор сиҳатгоҳларга сув ости уқалаш қурилмалари, душ кафедралари, лазер, магнит ва янги замонавий физиотерапевтик аппаратлар сотиб олинди. Ҳамма санаторийларда даволаш жисмоний тарбия заллари ташкил қилинган. «Турон», «Чимён» дам олиш масканларида бадантарбия ва чўмилиш ҳавзаси ташкил этилган.

Аёллар йили муносабати билан Она-бола бўлимларининг иш фаолиятини янада яхшилаш, такомиллаштириш чоралари амалга оширилмоқда. Ҳамма сиҳатгоҳларда аёллар кўрик хоналарини очиш, гинекологик шифокорлар билан таъминлаш, сиҳатгоҳга келган кундан шифокор назоратидан ўтказиш, касаллик аниқланган тақдирда барча керакли муолажаларни ўтказиш тадбирлари амалга оширилди.

Санаторийларда 363 ўринга мўлжалланган аёллар касалликлари учун ихтисослаштирилган бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда беморларни даволашда барча сиҳатгоҳларда янги усуллар қўлланилмоқда. Уларнинг аксариятида психотерапия, магнито ва лазеро - терапия, сексопатология, андрология хоналари, игнарефлексотерапия, инфрақизил нурлар билан даволаш хоналари ташкил қилинган.

Касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида охирги йиллар давомида дам олиб, даволанувчиларни талаб-истакларини ҳисобга олган ҳолда ва уларнинг ташҳисига ҳамда республикамиз иссиқ иқлим шароитини, қуёш нури таъсирини эътиборга олган ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш яхши йўлга қўйилади. Даволанувчилар учун таомлар технологик тайёрлаш жараёни асосида, пархезга амал қилинган ҳолда тайёрланади. Бу эса ўз навбатида таом таъмини, мазасини оширмоқда. Даволанувчиларни овқатлантириш ярим ресторан усулида, олдиндан берилган талабнома асосида ташкил қилинмоқда.



Барча маданият саройлари, клублар ва кутубхоналарда халқимизнинг улуғ фарзандлари, алломалари, классик шоир ва ёзувчилари ҳамда қутлуғ, тарихий саналарга, Президентимиз И.А. Каримов асарларидан иборат китоб, стенд ва фото кўргазмалари ташкил қилинган. Китобхонлар кечалари ўтказилмоқда. Сиҳатгоҳлардаги кутубхоналарда барча рўзномалар, шунингдек тиббиётга тааллуқли ойномалар мавжуд. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Курортлар бошқармаси йўлланмалар нархини имкон даражасида оширмасликка ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун унинг нархи республикамиздаги бошқа вазирлик, идораларга қарашли сиҳатгоҳлар йўлланмалари нархидан анча арзон.

Республика аҳолисини янада кўпроқ санаторий шароитида даволашга жалб қилиш ҳамда даволанувчиларга қулайлик яратиш мақсадида Н.А Семашко номидаги тиббий реабилитация ва физиотерапия илмий-текшириш институтининг илмий хулосаларига асосланиб, жорий йилнинг 1 октябридан даволаш муддати 24 кундан 18 кунга ўтказилди. Натижада йўлланмалар ўртача таннархи 20-25 фоизга арзонлашди.

Сиҳатгоҳларда даволанаётганларнинг ижтимоий қатламлари тахлили 1997-1998 ва шу йилнинг биринчи ярмида ўртача қуйидагиларни ташкил этди. Ишчи хизматчилар ва деҳқонлар - 61.2 фоиз, нафақахўрлар - 18.2 фоиз, уруш қатнашчилари, байналмилал жангчилар ва ногиронлар - 11.5 фоиз, ўқувчи ва талабалар - 5.7 фоиз, бошқалар - 4.3 фоиз.

Бугунги кунда барча касаба уюшмалари санаторийларини 2000-2005 йилларда босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқариш ва турли кўринишдаги нодавлат муассасаларига айлантириш учун «Дастур» ишлаб чиқилган. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилмоқда. Даволанишни аҳолига яқинлаштириш мақсадида ҳар бир вилоятда санаторий комплекслари қурилишини амалга ошириш, сиҳатгоҳларни акциядорлик жамиятларига айлантириш, ҳар бир санаторийда жаҳон мезонлари асосида чўмилиш ҳавзалари, теннис кортлари, сауна ва спорт залларини ташкил этиш, уларни янги замонавий тиббий асбоб-анжомлар, аппаратлар билан янада яхшироқ жиҳозлашга эришиш, янги қурилаётган сиҳатгоҳларни лойиҳалашда Ўзбекистон иқлим шароитини ва урф одатларини ҳисобга олган ҳолда, бир ва икки қаватли қулай щароитларга эга бўлган биноларнинг қурилишини таъминлашни тақозо этади.





**Акмал ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи.**

## МИННАТДОРМАН

*Мана йигирма йилдирки, ошқозон касаллиги билан азоб чекиб келаман. Оғир операциядан кейин махсус кўрсатма билан «Чинобод» санаторийсига йўлланма беришди. Ўзимни анча тетик хис қилиб, хасталикдан халос бўлганлигимни яққол сездим. Чунки бу ернинг об-ҳавоси, табиати, сув, парафин, айланма душ каби қатор муолажалар, шифокорларнинг ўта самимийлиги, овқатларнинг турли-туманлиги беморларга шифо бағишламоқда.*

Аввало, ҳеч ким бетоб бўлмасин экан. Танаси бошқа дард билмас деганларидек, бу дард билан қанчалар азоб чекканлигим фақат ўзимга аён. Истиқлол туфайли ҳар соҳада бўлганидек, дам олиш ва даволаниш масканида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Турли хил машғулотлар, тарихий жойларга саёҳатлар, маданият ходимлари, қалам аҳли билан доимий учрашувлар, самимий суҳбат ва мулоқотлар, мусобақа ва китобхонликлар киши соғлигигагина эмас, ҳатто, унинг маънавий дунёсига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Санаторий бош ҳакими Насим Зуфаров, бош ҳаким ўринбосари Назира Шайхова, тажрибали шифокорлар Холида Очилова, Равшан Эргашев, Маргарита Григорьевна, Фарида Жаҳонгирова, парҳез ҳамширалари Лена Добринская, Гўлчеҳра Жўраева, Муҳтарам Қосимова ва бошқаларга миннатдорчилик изҳор қиламиз. Яна шуни истардимки, ҳеч ким касал бўлмасин, бахтимизга дили пок, сўзи ширин шифокорларимиз ҳамиша омон бўлсинлар.

**Асрор ҚИЛИЧЕВ,**
**Касби туман халқ таълими бўлими ходими**

*Касаба уюшма ҳаёти*

# ИМТИЁЗЛАРДАН НЕГА СУСТ ФОЙДАЛАНИЛЯПТИ?

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши давр талабидан келиб чиққан ҳолда вилоят, туман, шаҳар ҳамда бошланғич ташкилотлар қўмиталари аъзолари ва раислари таркибини чуқур таҳлил қилди ва уларни фидокор, ташаббускор ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш устида иш олиб борди. Натижада вилоят ташкилоти таркибидаги аксарият қўмиталарда ёшлар, аёллар сафи кенгайишига эришилди. Туман, шаҳар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қўмиталари таркибига янги сайланган аъзолар 50 фоиздан ошди.*

Ҳисобот даврига баҳо берганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жойларда замон талабларидан келиб чиқиб, бир мунча ишлар қилинди. Лекин, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Кўп жойларда тасдиқланган истиқбол ва жорий режалар асосида иш олиб борилган бўлса-да, уларда бошланғич ташкилотлар мавқеини ошириш масалалари етарли даражада ечилмади. Қўмиталарнинг тасдиқланган режаларига амал қилмаслик, пленум ва раёсат йиғилишларини ўтказмаслик ёки бошқа муддатларга кўчириш ҳолатлари Бўстонлиқ, Янгийўл, Оҳангарон туман қўмиталарига хос одат бўлиб қолган. Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ туманлари, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари қўмиталарининг пленум ва раёсат ҳужжатлари билан танишилганда уларни расмиятчилик учунгина ўтказилганини кўрасиз. Чунки, маърузаларда қўйилган масаланинг аниқ моҳияти очилмайди, таҳлилий маълумотлар етишмайди, қарорларда аниқ вазифалар ва уларнинг ижро муддатлари бўлмайди, борлари ҳам изчил назоратга олинмайди.

Туман ва шаҳар қўмиталарининг асосий камчиликларидан бири пленум ва раёсат кун тартибидаги масалаларни тайёрлашда фаолларни етарли жалб қилмаслик ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олмасликдир. Қолаверса, қўмиталар таркибига тасодифий кишилар сайланиб қолган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Масалан, Оққўрғон тумани қўмитасининг олдинги чақириғида сайланган 25 нафар аъзодан 6 нафари муассаса раҳбарлари, 8 нафари ўқитувчилар ва 2 нафаригина бошланғич ташкилот қўмиталари раисларидан иборат бўлган. Қўмита раёсати таркибида эса қуйи ташкилот раисларидан бирон киши ҳам бўлмаган. Вилоят қўмитасининг олиб борган мунтазам ва қатъий тушунтириш ишлари туфайли мазкур йилдаги ҳисобот-сайловларда туман ва шаҳар қўмиталари таркибининг 50-60 фоизини бошланғич ташкилот раислари ташкил этди.

Тармоқ касаба уюшмаси Низомида қайд этилганидек, касаба уюшмасининг асосий вазифаси аъзоларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимлар ва талабаларнинг ишлаш, ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилашдан иборат. Хўш, бу соҳада вилоят қўмитасининг фаолияти қандай бўлаяпти?

Энг аввало, шуни айтиш керакки, педагог ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан бир мунча ишлар қилинди. Натижада давлат, хўжалик, корхона ва ташкилотларга тегишли уйларда яшовчи 13200 нафардан кўп педагогларнинг уйлари товонсиз шахсий мулк қилиб берилди. Беш йилда якка тартибда уй қуриш учун ер ажратиш аввалги беш йилга нисбатан 12 фоизга кўпайди.

Газ, электр қуввати, иссиқ ва совуқ сувлардан имтиёзли фойдаланувчилар сони 1995 йилда 46,5 минг нафардан кўпроқ педагогни ташкил этган бўлса, 1999 йилда бу рақам 49 минг нафардан зиёдроқни ташкил қилди. Ҳар бир педагогнинг коммунал хизматдан олаётган имтиёзи ўртача 10,8 минг сўм атрофида бўлмоқда. Газ таъминоти етиб бормаган ҳудудларда педагоглар кўмир учун товон пули олмоқдалар.

Албатта, бу фактлар қувонарли. Лекин, вилоятнинг ҳамма туман ва шаҳарларида ҳам бу масала силлиқ ва осонгина ҳал этилаяпти, деб бўлмайди. Коммунал хизмат имтиёзлари қатор жойларда қўлланилмаяпти. Қуйи касаба уюшма ташкилотлари фаоллари бундай имтиёзларни талаб қилмаяптилар. Бу борада уларнинг ҳуқуқий билимлари етишмайди. Баъзи жойларда Президент Фармонлари ижроси устидан қаттиқ назорат етишмайди. Берилган имтиёзлар қоғозда бору амалда йўқ. Масалан, Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигининг қарори билан шахсий уй қуриш учун ер майдонлари фақат ким ошди савдоси орқали сотилмоқда. Натижада педагоглар якка тартибда уй қуриш учун ер майдонларига эга бўлолмаяптилар. Зангиота туманидаги «Назарбек», «Хонобод», «Иттифоқ» жамоа хўжаликларида эса педагоглар учун 2-3 йилдан бери ер майдонлари ажратилмаяпти.

- Ходимларнинг меҳнат, яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган Президент Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари мавжуд, - дейди ҳисобот-сайлов конференциясида маъруза қилган Тошкент вилояти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси М.Ўринбосарова, - лекин, уларнинг ижроси устидан назорат изчил эмас. Шунинг учун ҳам педагог ходимлар бир қатор имтиёзлардан фойдалана олмаяптилар. Баъзи туманларда ҳокимликлар бу муҳим масалага панжа орасидан қарамоқдалар. Касаба уюшма ташкилотлари эса етарли талабчанлик, жанговарлик кўрсата олмаяптилар. Бундай имтиёзлар бажарилишини назорат қилиш ҳар бир касаба уюшма ташкилотининг муқаддас бурчи бўлмоғи даркор.

Таълим муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Вилоятдаги кўпгина таълим муассасалари замонавий биноларга, керакли жиҳозлар ва ускуналарга эга. Лекин, бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Вилоят ҳудудидаги таълим муассасаларининг бир қисмида моддий-техника негизи ночор. Мавжуд 893 та мактабнинг 37 таси авария ҳолатида, 420 та мактаб мослаштирилган биноларда жойлашган. Шунингдек, кейинги вақтларда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг моддий негизини мустаҳкамлаш ва лозим шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам етишмовчиликлар кўринмоқда. Ангрен, Чирчиқ техник коллежлари, Олмалиқ конмаъдан техникуми, Янгийўл технологик коллежларида талабалар учун ётоқхоналар етишмайди. Спорт заллари йўқ. Борлари ҳам шу кун талабларига жавоб бермайди. Худди шу ўринларда касаба уюшмалари муаммолар ечимига ўз таъсирини кўрсатмоғи зарур ҳолатларда тегишли юқори ташкилотларга мурожаат этмоқлари, камчиликларни рўй-рост очиб беришлари, уларни бартараф этишга ҳиссаларини қўшмоқлари даркор эди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида сўзга чиққан Ўрта Чирчиқ туман халқ таълими бўлими мудири Ш.Алиев, Олмалиқ шаҳар 11-мактаб биология ўқитувчиси Л.Бойтуллаева, Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти даволаш сиҳатгоҳи шифокори Р.Калонова, Ангрен шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Т.Юсупов ва бошқа нотиқлар қуйи касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, жамоа шартномалари аҳамиятини ошириш, касаба уюшма фаолларини ўқитиш ва малакасини ошириш, ўқув юртларида боқимандалик кайфиятини йўқотиш ва тадбиркорлик ҳамда ташаббускорлик билан ишлаш, педагог кадрлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олиши юзасидан қатор таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Б.ПЎЛАТОВ**

## «ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ» ЎҚУВ МАРКАЗИ

Ўзбекистон банклар уюшмаси халқ таълими тизими билан яқин ҳамкорлик алоқаларини боғлаб келмоқда. Ўқувчи ёшларда банк тизими билимлари ва кўникмаларини ўстириш йўлида амалга оширилаётган маърифий тадбирлар ҳам ижобий натижани бермоқда.

Уюшма саъй-ҳаракати билан Тошкент, Самарқанд, Урганч шаҳарларида коллежлар очилди. Уларда банк тизимининг ўрта бўғин кадрларин тайёрлаш йўлга қўйилди.

Уюшма ташаббуси билан Тошкент давлат иқтисод университети ҳамда Тошкент молия институти компьютер синфлари янги замонавий техника воситалари билан таъминланди. Бунинг учун уюшма томонидан катта миқдорда маблағ ажратилди.

«Таълим тараққиёти» ўқув-методик марказнинг ташкил этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Мактаблар, лицей ва коллежларда очилган банк синфларини зарур ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш мазкур янги марказ фаолиятини асосий йўналиши ҳисобланади.

# МАКТАБГА ТАДБИРКОР МАДАДКОР

Жабборберганнинг мурғак қалбида яратувчилик ҳисси жўш урганида ҳали у болаликнинг беғубор осмонида хаёлан учиб юрарди. Хоразмнинг Бўзқалъасидан пойтахтга йўл олганида ҳам унинг дилида фақат бир мақсад туғён урарди: ўқиш, ўқиганда ҳам шундай ўқиш керакки, токи у бутун вужудини жунбушга келтираётган орзуларини амалга ошира олсин. Шу мақсадда ҳужжатларини Машинасозлар олийгоҳига топширди.

Беш йиллик муддат беш дақиқалик фурсатдек ўтди-кетди. Астойдил ўқиш, устозлардан ўрганиш натижасида муҳандис-лойиҳачи бўлиб етишган Жабборберган Отажонов Тошкент трактор заводида ўз фаолиятини бошлади. Эътиборлиси шуки, йигит ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари билан чегараланиб қолмай, илмий изланишлар олиб борди. Натижада Машинасозлар олийгоҳи аспирантурасини муваффақиятли якунлаган Жабборберган 1995 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Янгиликка ўчлик, яратиш, кашф этишни олий мақсад деб билган Жабборберган Техника дорилфунунида катта илмий ходим вазифасида ҳам ўзини имтиҳон қилиб кўрди. Ундаги серғайратлик ва шижоатни илғаган дорилфунун раҳбарлари Жабборберганни лаборатория мудирлигига тавсия қилишди. У ўзидаги илмий салоҳиятни, йиллар давомида тўпланган тажрибасини ишга солиб қисқа муддатда арзигулик ютуқларга эришди.

1997 йил унинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги «Ёғду» хусусий фирмасига раҳбарлик қилиш болаликдаги орзуларнинг рўёбга чиқишига кенг имкониятлар яратиб берди. Дастлаб, мўъжазгина макарон цехининг очилиши билан иш бошлаган «Ёғду» фирмаси таркибида бугунги кунда кичик ун заводи, замонавий обжувоз, фермер хўжаликлари учун сифатли хом-ашёлар етказиб берувчи цехлар фаолият кўрсатмоқда.

Жабборберган Отажоновнинг ҳали ўйлаган режалари, дилга туккан мақсадлари бисёр. Шулардан бири маҳаллий хом ашёлардан сифатли қурилиш материаллари, жумладан, шифер ишлаб чиқаришдир. Шу кунларда монтаж ишлари олиб борилаётган мўъжазгина шифер заводи 2000 йилнинг биринчи чорагида ишга туширилади. Натижада яна 30 киши доимий иш билан таъминланади.

Тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор Жабборберганга куч-қувват бағишлади. Айниқса, Янгибозор туман ҳокимлигининг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши натижасида «Ёғду» фирмасининг нуфузи ортиб бормоқда. Тинимсиз меҳнат ва самарали изланишлар натижаси уларок, яхшигина даромад қилаётган тадбиркор кам таъминланган оилаларга, маҳалла-кўйининг маъракаларига саховат кўрсатиб келаётир.

Шунингдек, тумандаги баъзи тадбирлар, байрамлар ҳам уларнинг ҳомийлигида ўтмоқда. Айниқса, билимнинг бемисл қудратини дилдан ҳис қилган Жабборберган ёш авлод тарбиясига, уларнинг соғлом ва билимли бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда у тумандаги икки мактабни доимий оталиққа олган.

**Акбар АЛЛАМУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Шоир инъоми



## КАМОЛ ТОПИШИ АНИҚ

*Илмга таянганлар камол топиши аниқ,*
*Элига таянганлар камол топиши аниқ.*

*Тилимиз сўзга энг бой, юракдан севиб, ўзбек*
*Тилига таянганлар камол топиши аниқ,*

*«Кўз қўрқоқдир, қўл ботир» -ўз оёғи, кучига,*
*Қўлига таянганлар камол топиши аниқ.*

*Турмуш фаровон, Тўра, мустақил Ватанимнинг*
*Йўлига таянганлар камол топиши аниқ.*

## ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

*Иқбол топур илмли инсонларга қўшилган,*
*Хор-зор бўлди бебурд нодонларга қўшилган.*

*Яхшининг шарофати, ёмоннинг касофати*
*Юқмай қолмас, ғам топди ёмонларга қўшилган.*

*Уйда ялпайиб ётган узлатга равонадур,*
*Соғ бўлиб кўпни кўрар карвонларга қўшилган.*

*Тўра етмиш бешгача касалликни билмади,*
*Сабаби у ҳамиша шодонларга қўшилган.*

## КЎНГИЛНИ ТОР АЙЛАМАНГ

*Кўнгилни тор айламанг, фикрда кенглик қилинг,*
*Чапдан яхшилик чиқмас, соф бўлинг, ўнглик қилинг.*

*Ватанда уруш, жанжал десангиз гар бўлмасин,*
*Эл-улус орасида ҳақиқий тенглик қилинг.*

*Гуруч курмаксиз бўлмас, бузғунчи чиқиб қолса,*
*Ҳеч аяманг ундайни, ёмонга тўнглик қилинг.*

*Ширин бўлсанг еб қўяр, аччиқни туфлаб ташлар,*
*Иноқ, иттифоқ бўлиб, душманга дўнглик қилинг.*

*Инсон асли меҳрдан яралгандир, э Тўра,*
*Халққа меҳрсизларнинг умрини сўнглик қилинг.*

## МЕҲРИНГ ИФОДА ҚИЛ

*Яхшилик қилмоқ бўлсанг, шу ёруғ дунёда қил,*
*Обрўйинг, мартабангни, эй дўстим, зиёда қил.*

*Қора ниятли киши етмагай ҳеч муродга,*
*Улуғларга тош отма, меҳрингни ифода қил.*

*Отдан тушиб, эгардан тушмаганлар ҳам кўпдир,*
*Омон бўлсин жон десанг, авайлаб пиёда қил.*

*Тўсиқ бўлмай жаннатга кирайин десанг, Тўра,*
*Қил яхшилик, ҳам уни шу ёруғ дунёда қил.*

**Тўра ЖУМАН.**

Иқтидорлилар - юрт фахри

# ОЛАМНИ ГЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ

***Гўзалликни кўриш, ҳис этиш, сўнгра ўзига хос усулда тасвирлаб бериш учун кишининг қалби, руҳи шунга мос равишда гўзал бўлиши лозим. Кишининг қалби, руҳи гўзал бўлиши, дунёнинг ранг-баранглигини, гўзаллигини кўра олиши ҳамда тасвирлай олиши учун унга болалигидан таълим-тарбия берилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида олий малакали мураббийлар болаларнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришда уларга кўмаклашадилар.***

Лицейнинг бунёд бўлиш тарихи узун. 1959 йилда Тошкентдаги 20-сонли болалар уйи санъат мактабига айлантирилган эди. Бундан кўзланган мақсад Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан келган истеъдодли болаларнинг бадиий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг етук рассом, композитор, куйчи ёки бошқа санъаткор бўлиб етишишида илк сабоқларни бериш эди. 1985 йилда санъат мактаби Маданият ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказилди ва республика ўрта махсус санъат-интернати деб қайта номланди. 1997 йил 23 январда эса мактаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Бадиий Академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Бадиий Академия тасарруфидаги Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатига айлантирилди.

Лицей-интернатнинг олис тарихи эса 1929 йилга бориб тақалади. Ўшанда, яъни очарчилик йиллар бу болалар уйи ота-онасиз қолган болаларни ўз қучоғига олган эди. Ҳозирги кунда лицей-интернатда 596 бола таълим-тарбия олмоқда. Уларнинг 174 нафари мусиқа йўналишида бўлса, 422 нафари рассомлик йўналишидадир.

Болалар бадиий ва мусиқий бўлимларга қатъий танлов асосида қабул қилинадилар, зеро таниқли ёзувчи Ўткир Ҳошимов айтганларидек, болага мўйқаламни қайси йўл билан ушлашни ўргатиб, уни рассом қилиб бўлмайди. Шунингдек, дуторнинг торларини қайси бармоқ билан чертишни ўргатиб, болани машҳур мусиқачи қилиш ҳам амри маҳол, яъни болани рассом қилиб тарбиялаш қобилияти, мусиқачи қилиб тарбиялаш учун эса болада оҳангларни, товушларни англаш иқтидори ва бир олам истак керак. Бадиий бўлимда тасвирий санъатнинг турли соҳалари бўйича сабоқ берилади. Болалар классик рангтасвир, графика, ҳайкалтарошликдан тортиб, миллий бадиий ҳунармандчилик турлари бўлмиш наққошлик, кулолчилик ва лак мўъжаз рангтасвир сирларини ҳам ўрганишади. Мусиқа бўлимига қабул қилинган болалар эса халқ чолғу асбоблари, торли асбоблар, фортепиано, хор дирижёрлиги, мусиқа тарихи ва назарияси каби махсус мутахассисликларни ўрганишади. Бундан ташқари лицей-интернатнинг барча ўқувчилари дунё халқларининг қадимдан ҳозиргача бўлган тасвирий санъат тарихи ва назарияси билан танишадилар. Лицей ўқувчилари халқаро, республика танловларида, болалар ижодиёти кўргазмаларида муваффақият билан қатнашмоқдалар, турли совринлар, мукофотлар, фахрий ёрлиқлар олмоқдалар. Лицей маъмурияти ва ўқитувчилар жамоаси ўз фаолиятларида азалдан тўпланган бой тажрибани, мавжуд таълим-тарбия бериш анъаналарини ишончли қўлларга топшириш учун ҳам жон куйдиришади. Ҳозирги кунда лицейнинг 15 та собиқ талабаси шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлаётгани бунинг яққол далилидир. Лицей жамоаси АҚШ, Франция, Япония, Ҳиндистон, Корея, Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги турдош мактаблар билан алоқа ва ҳамкорликни йўлга қўйган. Яқинда лицей-интернат илк бор ташкил этилганлигининг 70 йиллиги нишонланади, яъни гўзалликни ўргатиш мактаби етмиш ёшга тўлади. Замон миқёсида олиб қараганда бу ҳеч нарса эмас, аммо шу давр ичида мактабда қанчадан-қанча гўзаллик шайдолари таълим-тарбия олганлигини инобатга оладиган бўлсак, буни олам-жаҳонга ёйсак-да, кам бўлади, зеро ўзбекистонликларни дунё тан олаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро олимпия қўмитаси томонидан тасвирий санъат бўйича ўтказилган конкурсда лицей толиби Ойбек Исломов олтин медал олишга сазовор бўлган бўлса, Резеда Сабирзянова ва Азамат Турдиқуловлар Ҳиндистоннинг Шанкар шаҳрида ўтказилган болалар ижодиёти конкурсида Жавоҳарлаъл Неру номидаги олтин медални олишга муваффақ бўлдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гапнинг лўндасини айтганда эса буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати, ҳукуматимиз ва шахсан Президентимизнинг ёш авлод тарбиясига бераётган алоҳида эътибори шарофатидандир.

Мақола бошида гўзалликдан бежиз гап очмадик, зеро гўзаллик дунёни қутқаради дейдилар. Гўзалликни севадиган, уни қалбдан ҳис этадиган кишилардан эса ҳеч қачон ёмонлик, қинғирлик чиқмайди. Ва алал-оқибатда гўзалликда гўзаллардан гўзалроқ юртимиз ҳозирги кунда лицей-интернатда сабоқ олаётган гўзаллик шайдоларининг рангтасвирлари, мусиқалари, ҳайкаллари ва бошқа асарлари орқали оламга танилишига, олам аҳли эса уларга олам-олам таҳсинлар айтишига имоним комил.

**Йўлдош ПАРДА,**
**ёзувчи.**

# ХОТИРА ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Республикада хизмат кўрсатган мураббий, спорт устаси Ҳамид Раҳматуллаев хотирасига бағишлаб Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда Тошкент шаҳар спорт қўмитаси ҳамкорликда ўтказган хотира турнири ниҳоясига етди.

Футбол мусобақалари пойтахтимиздаги «Тўқимачи» стадионида бир ҳафта давом этиб, турнирда БЎОЎММ (Болалар ва ўсмирлар Олимпия ўринбосарлари махсус мактаби, Тошкент), МҲСК, Қарши шаҳри, Чирчиқ шаҳри, Самарқанд ҳамда Муборак шаҳарларининг 1984 йилда туғилган ўсмирлари ғолиблик учун беллашди.

Беллашувлар якунига кўра, БЎОЎММ 13 очко тўплаб бош совринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса муборaклик ҳамда чирчиқлик футболчи ўсмирларга насиб этди.

«Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтган турнирнинг ёпилиш маросимида Ҳамид Раҳматуллаевнинг оила аъзолари иштирок этишиб, унда ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Самарқандлик Азиз Муродов мусобақанинг энг яхши ўйинчиси, Виктор Жўраев (Муборак) энг моҳир дарвозабони деб топилди. Баҳслар давомида рақиб дарвозасини энг кўп аниқ нишонга олган Александр Генрих (БЎОЎММ) махсус совғалар билан тақдирланди.

**«Туркистон-пресс»**

ҲАР ТЎҒРИДА

## ОТЛАР «ТИЛИ»

Таниқли инглиз гиппологи (гиппология - от ва уни боқиш, парвариш қилиш тўғрисидаги фан) Ж.Блэйк «Отлар дунёси» деган журналда босилган мақоласида шундай ёзган эди: «Мен 20 йил мобайнида отларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атворини синчиклаб ўрганиб, уларнинг бир-бирлари билан «гаплашадиган» 100 хил сигнал ва товушларини аниқладим.»

Шу фан соҳиби мазкур соҳада тадқиқот олиб бораётган бошқа мутахассисларни ҳам отлар «тили»нинг маъносини ечишга даъват қилади.

## КУЛГИ КАФЕДРАСИ

Голландия университетларидан бирининг профессори олий ўқув юрти маъмурларига мурожаат қилиб, университетда кулги, ҳазил кафедраси ҳам ташкил этишни илтимос қилган. «Менинг ташаббусимни дунёдаги барча университетлар қўллаб-қувватлайди,- деган эди профессор. - Чунки жаҳонда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашда кулги, ҳазил-мутойибанинг аҳамияти озмунча эмас.»

Бир газета мухбири билан суҳбатда эса профессор «ҳазилни тушуниш, кула билиш турли мамлакатларнинг бир-бирларини тушунишларига, дўстлашишлаҳига ёрдам қилади» деб айтган.

Шу сабабли ҳам олий ўқув юрти раҳбарияти бу ташаббус асосида кулги кафедрасини очган. Бу ерда кулги ишқибозлари учун ҳам ажабтовур давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

*Бандлик хизмати амалда*

# КАСБ - ҲУНАР ЎРГАНИШДИ



Бозор муносабатларига ўтиш, мулкчиликнинг янги шаклларини жорий қилиш ва туб ислоҳотларни амалга ошириш жараёнининг тезлашуви янги муаммоларни юзага чиқаради. Замонавий технологиянинг ишлаб чиқаришга дадил кириб келиши, янги техник воситаларнинг ишга туширилиши натижасида иш ўринларининг қисқариши, айрим одамларнинг ишсиз қолиши табиий ҳолдир.

Ижтимоий ҳимояни тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири деб билган ҳукуматимиз аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Тошкент шаҳридаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси тасарруфидаги ўқув маркази ҳам худди шу мақсадда ташкил этилган. Марказнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини оширишдан иборат.

Пойтахтнинг барча туманларидаги бандлик хизматлари томонидан йўлланмалар орқали ўқув марказига юборилган фуқаролар малакали ўқитувчиларнинг сабоқларини тинглашади, янги касб-ҳунар ўрганишади. 1992 йили ташкил топган мазкур марказда кўплаб фидойи ўқитувчилар, ўз касбининг моҳир усталари фаолият кўрсатишади. Беш йилдан буён самарали меҳнат қилиб келаётган моҳир мураббийлардан бири, тикувчилик бўлими ўқитувчиси Нафиса Муродшайхова ана шундай фидокорлардан биридир. У чеварликнинг барча сиру асрорларини, узоқ йиллар давомида тўплаган тажрибаларини ўз шогирдларига сидқидилдан ўргатиб келмоқда.

Икки сменада ташкил қилинган ўқув тизимида 32 та касб ва ҳунар ўргатилиб, бу ерни тугатганларнинг ҳар бири етук мутахассис сифатида иш бошлаши мумкин. Марказ бугунги фаолият доираси билан чегараланиб қолмай, янги режаларни амалга оширишни ҳам кўзламоқда. Компьютер хоналарини кенгайтириш, уларни янада такомиллаштириш, касб-ҳунарга йўналтириш бўйича янги ўқув бўлимлари очиш марказ олдига қўйган мақсадлар сирасига киради.



*Суратларда: 1. Тикувчилик бўлими ўқитувчиси Нафиса Муродшайхова ўқувчиларга чеварлик сирларини ўргатмоқда. 2. Машғулот пайтида.*

**И. ҲАСАНОВ олган суратлар.**

— Тажрибали мутахассис, ўз касбининг фидойиси бўлган Абдуҳамид Мустагизов етакчилик қилаётган мазкур ўқув маркази дастлаб иш бошлаганида 321 нафар ўқувчини қабул қилган бўлса, — дейди биз билан суҳбатда ўқув маркази директори муовини Раъно Мусаева, — ҳозирги кунда у 3000 дан ортиқ ўқувчига таълим беради, касб-ҳунар ўргатади. Бундан ташқари, ўқув марказининг 9-касб-ҳунар мактаби, 3-6-Бизнес мактаблари, 37-касб-ҳунар лицейи, Тошкент Давлат Техника университети қошидаги Республика стенография машинкасида ёзиш маркази каби бир қатор филиалларида ҳам ўқувчилар кўплаб касб-ҳунар турларини эгаллашмоқда.

**Темир ҚУРБОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ФАХРИЙЛАР СОВРИНИ ЎСМИРЛАР ҚЎЛИДА

Пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида республикамизнинг ўн вилояти ва Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилояти самбочилари иштирокида Ўзбекистон самбо фахрийлари соврини учун турнир бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақада 1983-84 йилларда туғилган ўсмирлар 11 вазн бўйича анъанавий турнир бу йилдан бошлаб фахрий самбочилар соврини учун деб аталадиган бўлди. Бу мусобақа ўсмирларимизнинг халқаро миқёсга чиқишида тайёргарлик босқичини ўтайди, - деди республика самбо терма жамоаси бош мураббийси Равшан Аҳмаджонов «Туркистон-пресс» мухбирига.

— Турнирнинг мавқеини кўтариш мақсадида, мусобақа ғолибларига келгуси йилдан бошлаб спорт устаси унвонини беришни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, 2000 йилда бўладиган мусобақани халқаро даражада ўтказиш режаларимиз ҳам йўқ эмас. Унга Марказий Осиё ҳамда Россия, Қозоғистон, Мўғулистон каби мамлакатларнинг ўсмир самбочиларини таклиф қилиш кўзда тутиляпти.

Уч кун давом этган баҳсларда Л.Тошалиев (41 кг, Самарқанд), С.Бердибоев (56 кг, ИСФ), О.Одилов (60 кг, «Динамо»), У Турсунов (65 кг, Зарафшон), А.Хуррамов (75 кг, Шахрисабз) каби 11 нафардан иборат самбочилар ўз вазнларида ғолиб чиқишиб, фахрийлар совринини қўлга киритди.

Мусобақанинг энг яхши курашчисига бериладиган совғага И.Каримов (48 кг, Самарқанд) эга бўлди.

**«Туркистон-пресс»**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти- 21.00
Топширилди 21.30

Буюртма Г— 0919.
1 2 3 4 5 6